

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛТЕТИ

Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)

кафедраси

28-29-КТКХМ-16 гуруҳ талабаси

ҚЎҚОНОВ ДИЛШОДнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини ўқитишда
кўргазмали қуроллардан фойдаланиш

.

НАМАНГАН 2016 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛТЕТИ

Технология факултети декани

_____ доц. М.Хусаинов

«_____» _____ 2016 йил

Химояга рухсат этилсин:

Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини
механизация-лаштириш) кафедраси

муdiri

_____ проф. Н. Бойбобоев

«_____» _____ 2016 йил

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ

Мавзу: КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини ўқитишда
кўргазмали қуроллардан фойдаланиш

Диплом лойиҳасини бажарди:

5140900-Касб таълими (Қишлоқ
хўжалигини механизациялаштириш)

таълим йўналишининг 4-курс
талабаси

Д.Қўқонов

БМИ раҳбари:

М.Сотволдиев

Маслаҳатчи:

доц.Б.Ахмедов

Наманган – 2016 йил

Реферат

Битирув малака иши....варақ тушунтирув ёзуви ва 5 варақ чизма қисмидан иборат. Тушинтирув ёзуви умумий, технологик, ташкилий, меҳнат муҳофазаси иқтисодий қисмлар, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

График қисми ____ та чизмадан иборат бўлиб, ҳар бир чизма талаб даражасида чизилган.

Битирув малака ишини умумий қисмида касб-ҳунар коллежи тавсифи, малака тавсифи ва битирув малака ишини асослаш материаллари берилган.

Технологик қисмда: озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг хоссалари, озуқа тайёрлашнинг ўзига хослиги, озуқаларни майдаловчи машина механизмларининг тузилиши, схемалари келтирилган.

Методик қисмда фан ва мавзунинг тавсифи, фанлараро боғланишлар, мавзунинг услубий ва техник таъминоти, дарс материали ҳамда анъанавий дарс ўқишнинг қисқача баёни ва уларни замонавий усуллар билан қиёслаш, дарс режаси, дарс мақсадлари, ўқув натижалари, дарснинг жихозланиши, дарсни ташкил қилиш, мавзунинг ўқитиш методлари ва уларни таҳлили, кўргазмали ва дидактик материаллари ҳамда “Озуқаларни майдалаш учун машиналар” мавзусини ўқитишда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳақида маълумотлар берилган.

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги бўйича Чорвачиликни механизациялаш, озуқаларни майдалаш учун машиналардан фойдаланиш жараёнида ҳавфсизликни таъминлаш чора тадбирлари ишлаб чиқилди.

Малакавий ишнинг самарадорлигида дарснинг илғор педагогик технологиялар асосида ўқитилганда унинг анъанавий дарсга нисбатан самарадорлиги таҳлил қилинди.

7	10	23	15	10					
					КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини ўқитишда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш	15	17	18	
						20	30		

Мундарижа

Кириш

1. Умумий қисм

1.1 касб-хунар коллежи тавсифи

1.2 Малака тавсифи

1.3 Битирув малака ишини асослаш

2 Техналогик қисм

2.1

2.2

2.3

3 Методик қисм.

3.1 Дарс режаси

3.2 Дарсда тутилган таълимий ва тарбиявий мақсадлар

3.3 Ўқув натижалари.

3.4 Дарснинг жиҳозланиши

3.5 Мавзуни ўрганиш учун асосий ва қўшимча адабиётлар

3.6 Мавзунинг структурали-мантикий схемаси

3.7 Дарснинг ташкил қилиш

3.8 Мавзуни ўқитиш методлари ва уларни таҳлили

3.9 Кўргазмалар ва дидактик материаллар

3.10 КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини ўқитишда кўргазмалар куруллардан фойдаланиш

4 Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги

5 Малакавий ишнинг самарадорлиги.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да Олий ва ўрта махсус, касб - ҳунар таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу соҳани ривожлантириш учун эса янгича фикрлайдиган, ўқитишнинг замонавий метод, шакл ва усулларида самарали фойдалана оладиган юқори малакали педагог кадрларни тайёрлашдан иборат./1,2/

Юқоридагиларни амалга ошириш учун таълим жараёнига янги ахборот- коммуникация ва педагогик технологияларни электрон дарсликлар, мултимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз касб – ҳунар коллежлари, лицейлари ва Олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан етарли даражада таъминлаш зарур. Бу эса муҳандис- педагогларда мутахассислик фанларини илғор – педагогик технологиялар асосида ўқитиш, дарс бериш амалий кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. /3/

Юртимизда ҳозирги замон талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган етук мутахассис кадрларни тайёрлаш, ёш талабаларни ватанга муҳаббат туйғуси руҳида, миллий ғурур ва миллий ифтихорни ўзига сингдирган, ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокор бўлган, ўзини мутахассислигини чуқур билган ўз фикрини тран ифодалай оладиган баркомол инсонни тарбиялаш олий ўқув юртининг энг долзарб вазифасидир.

Малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Ҳозирги пайтда КХК лари талабаларини ўқишга қизиқтириш ва уларни келажакда юқори сифатли кичик мутахассис қилиб тайёрлашда замонавий ўқитиш методининг аҳамияти бениҳоя каттадир. «Чорвачиликни механизациялаш» фанидан “Озуқаларни майдалаш учун машиналар” мавзусини кўргазмали куроллардан фойдаланиш асосида ўқитишни амалга ошириш ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. ушбу мавзунини кўргазмали куроллардан фойдаланиб ўқитишни долзарблиги шундан иборатки, ҳозирги кунда коллеж ўқувчилари учун мутахассислик фанлари бўйича етарли даражада илғор педагогик технология усуллари мавзуда кенг ёритилмаганлигидир. Бундан ташқари Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва чет эллардан кириб келадиган янги, замонавий озуқа тайёрлаш машиналарининг, турлари, вазифалари бўйича адабиётлар мавжуд аммо ушбу адабиётлар ҳамма коллежларда ҳам етарли эмас.

Шуларни ҳисобга олиб ушбу вазифани амалга ошириш учун мавзунини янги материаллар билан бойитиш ҳамда кўргазмали куроллардан фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

Мавзунинг объекти. Озуқаларни майдалаш учун машиналар.

Битирув малакавий ишининг мақсади. КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини ўқитишда кўргазмали куроллардан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш.

1. Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг хоссалари, тавсифи, технологик тизими, озуқага ишлов бериш йўналишлари, озуқа турларининг схемасини кўргазмали куроллардан фойдаланиш асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти. Озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг аҳамияти ва схемаларини ўрганишда кўргазмали куроллардан фойдаланиб ўқитиш усулини қўллаганимизда талабаларни мустақил фикрлаш қобилияти ошади ҳамда мавзунини мукамал ўзлаштириш ҳолатлари кузатилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий ишининг тузилиши, кириш, умумий қисм, технологик қисм, методик қисм, малакавий ишнинг самарадорлиги, ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг мазмуни бет жадвал, расм ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

1. Умумий қисм

1.1. Ёркатай агросаноат касб-хунар коллежи тавсифи

Ёркатай агросаноат касб-хунар коллежи Ўрта махсус касб - хунар таълими марказининг 2006- йилдаги 167- сонли буйруғи асосида ташкил топган бўлиб 540 ўринга эга. Коллежнинг умумий ер майдони 4 га ўқув биноси 2 та бўлиб 1106 нафар ўқувчи касб – хунар ўрганмоқда. Коллежда 32 нафар умумтаълим фани ўқитувчиси, 11 нафар ишлаб чиқариш таълим усталари, 17 нафар педагог – мухандис таълим тарбия бериб касб – хунар ўргатмоқда. Коллеж маҳаллий бюджет ҳисобидан жиҳозланган.

Коллежда 7 та йўналиш бўйича қуйидаги касблар берилади.

- Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини ишлатиш, техник хизмат кўрсатиш

Касблари: Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш, электрогазпайвандчи, кенг профилли тракторчи “В” ёки “ВС” тоифали хайдовчи

-Тикув ва трикотаж махсулотларини ишлаб чиқариш технологияси

Касблари: Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси, кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси ва бичувчиси, тикув жиҳозларини созловчиси.

-Компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш.

Касблари: Техник дастурчи, компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш техниги

-Электр тармоқлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш ва ишлатиш

Касблари: Электр монтажчи, электромонтёр, электромеханик, электр энергия истеъмолчилари назоратчиси, электрчилангар.

-Ўсимликшунослик ва чорвачилик бўйича фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш.

Касблари: Ўсимликшунос фермер, чорвадор фермер, лаборант ассименатор, кенг профилли тракторчи “В” ёки “ВС” тоифали хайдовчи.

-Молия.

Касблари: Корхоналар молиячиси, молиячи иқтисодчи, молия бозорлари мутахассиси.

-Бухгалтерия ҳисоби

Касблари: Бухгалтер, бухгалтер иқтисодчи, дастурчи бухгалтер.

Коллежда жами 21 та тўғарак мавжуд бўлиб уларда 438 нафар ўқувчилар шуғулланади.

Ўтган 2010 йилда коллежни 224 нафар битирувчилар мувоффақиятли тамомладилар. Уларни 208 нафари тумандаги турли ташкилот, корхоналар, фермер хўжаликларига ишга жойлашдилар. Қолган 16 нафар талабадан 3 нафари касб- хунар коллежимизга ишга қабул қилинди. 13 нафари олий ўқув юртларига кириш учун ҳужжатлар топширишди.

Ўқувчилар амалиётларни хусусий фирмаларда, фермер хўжаликларида муқобил машина – трактор паркларида туман газ таъминоти ҳамда электр тармоқларида олиб боришади.

Касб-хунар коллежи давлат стандартлари доирасида ўрта махсус касб-хунар билимини берадиган ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган янги турдаги ўқув юртидир.

Таълим шакли кундузги. Касб-хунар коллежи битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган нусхадаги диплом берилади, унда ўрта махсус касб таълими йўналишлари ва мутахассисликларини классификатори таснифлашни мувофиқ мутахассислик бўйича берилган малака кўрсатилади.

Касб-хунар коллежида ўқиш муддати 3 йил мутахассисликлар ўрта махсус касб-хунар таълими йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторлари асосида тайёрланади. Битирув малакавий иши амалиёти Ёркатай Агросаноат КХК да бажарилди. Амалиёт даврида БМИ га тааллуқли бўлган барча маълумотлар олинди. (1, 2 расм).

1- расм. Ёркатай агросаноат КХК олд кўриниши.

2- расм. БМИ мавзусини таҳлил қилиш жараёни.

1.2. Малака тавсифи

Ҳозирги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнида тайёрланаётган мутахассислар замон талабларига мос бўлиши бугунги куннинг талабидир. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш таълим йўналиши бўйича касб-хунар коллежларида кичик мутахассисликларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикаимиздаги касб-хунар коллежларида қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш мутахассислиги бўйича қуйидаги касблар бўйича кичик мутахассислар тайёрланади:

- қишлоқ хўжалик техникасини таъмирлаш чилангари
- электрогазпайвандчи
- кенг профилли тракторчи
- “В” ёки “ВС” тоифали ҳайдовчи

Стандартда белгиланган зарур ва етарли мазмуни, касбий таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга кичик мутахассис малакаси берилади.

Касбий таълимни чуқурлаштириш мақсадида кадрлар малакасини ошириш тизимида, тармоқ ўқув муассасаларида ва махсус курсларда кейинчалик малакани ошириш амалга оширилади.

Олий ўқув юртларида касбий фаолиятни мазкур соҳасида янада юқорироқ малакага эришилади.

Ушбу тайёрлов йўналишлари бўйича кичик мутахассисликлар меҳнат бозорида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус касб-хунар таълим Маркази, Меҳнат вазирлиги ҳамда Молия вазирликлари томонидан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасалари битирувчисининг фаолияти йўналишлари эгаллаган касблари, лавозимлари тариф разрядларининг оралиғи» меъёрий ҳужжат асосида келтирилган тариф разрядлари бўйича ишлашлари мумкин.

1.3. Битирув малака ишини асослаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мустақилликни 22 йиллигини “Қадр- қимматим, таянчим ва ифтиҳоримсан мустақил Ўзбекистон” шиори остида ўтказиш тўғрисида 2013 йил 6 декабрда чиққан қарорида 22 йилда барча соҳалар қатори таълим соҳасида ҳам эришган ютуқларимиз ва амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиш вазифаси қўйилди. /4/

Президентимизнинг ушбу қароридан келиб чиқиб биз ҳам Мустақилликни 22 йиллигига ўзимизни олган назарий билимларимизни мустаҳкамлаш учун битирув малакавий ишимизни юқори савияда бажаришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Ҳозирги кунда касб-хунар коллежларида талбаларга дарс машғулотларни ўтказиш учун ўқув қуроллари ва касбий фанлардан адабиётлар таъминоти талаб даражасида эмас. Шунинг учун касб-хунар коллежларида яратилаётган адабиётларнинг янги авлоди, касб-хунар коллежларини таълим стандартлари талабларига тўла жавоб бериши лозим бўлган адабиётлар яратиш керак. /5/

Бундан ташқари республикаимизда амалга оширилаётган «Таълим ислохотлари» ни акс эттириш лозим, яратилаётган адабиётлар ва ўқув қўлланмалар нафақат талабалар аудиторияси учун, балки, ўқитувчилар учун ҳам мўлжалланган бўлиши лозим, яъни ўқитувчилар учун мавзуларни ва машғулотларни ўтишда лозим бўлган илғор услубий кўрсатмалар ҳам келтирилган бўлиши керак.

«Қишлоқ хўжалигини механизациялаш» таълим йўналишининг қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш мутахассислиги бўйича Чорвачиликни механизациялаш ни ишлатиш ва таъмирлаш, электрогазпайвандчи кенг профилли тракторчи «В» ва «ВС» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашда «Чорвачиликни механизациялаш » фани касбий фанлардан бири ҳисобланиб, касбий кўникмалар ва билимларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда ўзбек тилида «Чорвачиликни механизациялаш » фани бўйича. В.М. Тожибоев томонидан Касб – хунар коллежлари учун 2002 йилда ишлаб чиқарилган китоб мавжуд бўлиб, бу адабиётда чорвачиликни механизациялаш, озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг тузилиши, вазифаси ва ишлаши ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш масалалари ёритилган. /5/

Касб-хунар коллежларида касбий фанлардан таълим берувчи ўқитувчиларни ҳам малакаси талаб даражасида деб бўлмади. Касб-хунар коллежларидаги бу муаммоларни ечиш мақсадида

таянч олий ўқув юртлари қошида ўқитувчиларни малакасини ошириш курслари ва бўлимлари ташкил этилди. Бундай бўлимларни ташкил этиш кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини сифат босқичини вазифаларини амалга оширишга қаратилган муҳим қадамлардан биридир.

Касб-ҳунар коллежларининг педагоглари таълим стандартлари, ўқув режалари ва фаннинг намунавий дастури асосида фаннинг ҳар бир мавзусига бағишланган дарс машғулотларини аниқ мақсадлар асосида режалаш малакасига эга бўлиши лозим.

Ҳар бир фанни намунавий ва ишчи дастурлари асосида ҳар бир мавзуга бағишланган дарс машғулотларини олиб бориш жараёнини лойиҳаламасдан таълим жараёнини сифатини оширишни тасаввур қилиш мушкул.

Дарс жараёнини лойиҳалаш, яъни соддароқ қилиб айтганда режалаштириш, бу мавжуд адабиётлар, илмий техник журналлар ва ахборотлар, ўқув жиҳозлари, ўқитиш воситалари, кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқув ва таълим мақсадларига эришишни энг самарали йўлларида биридир.

Ҳозирги кунда дарс жараёнини режалаштиришга ва лойиҳалашга бағишланган кўплаб анжуманлар, ўқув курслари ташкил этилиб, ушбу анжуманлар материаллари асосида услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилмоқда ва таълим жараёнида кенг қўламда фойдаланилмоқда. Жумладан касбий ва техника фанларидан маърузалар матни, ўқув қўлланмалар ва адабиётларни яратиш бўйича услубий кўрсатма ва қўлланмалар ишлаб чиқилди. Бироқ бундай қўлланма ва кўрсатмаларда техник фанларни ўзига хос томонлари етарли даражада очиб берилмаган ва ҳисобга олинмаган.

Таълим жараёнини сифатини белгиловчи ана шундай муаммоларни ҳал этиш учун касбий фанларни ҳар бири бўйича илғор педагогик технологиялар асосида касбий фанни ўқитиш услубларига бағишланган адабиётларни яратиш ва уларни кўплаб нусхаларда чоп эттириш таълим жараёнида ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Битирув малака ишининг асосий мақсади «Чорвачиликни механизациялаш» фанидан «Озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини кўргазмали қуроллардан фойдаланиб ўқитиш» услубини ишлаб чиқиш бўлиб, юқорида келтирилган вазифаларни бажаришда бир кичик қадам бўлиб ҳисобланади деб ўйлаймиз.

«Озуқаларни майдалаш учун машиналар» мавзуси «Чорвачиликни механизациялаш» фанига тегишлидир. «Чорвачиликни механизациялаш» фани Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш касби бўйича чилангар уста, электрик, «В», «С» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашда асосий касбий фанлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу фанни ўқиш жараёнида талабалар озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг тузилиши, қисмлари уларни вазифаси, ишлашини тегишли материаллар асосида ишлаб чиқиш бўйича билим ва кўникмаларни эгаллайдилар.

Битирув малака ишининг асосий мақсади чилангар уста, электриклар, «В» тоифали ҳайдовчилар тайёрлашда «Чорвачиликни механизациялаш» фанининг аҳамияти, тутган ўрни, вазифаси ва мақсадларини, фанлараро боғланишларини ўрганиш. Чорвачиликни механизациялаш фанидан «Озуқаларни майдалаш учун машиналар» мавзусини кўргазмали қуроллар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш, ва мавжуд адабиёт ва қўлланмалардаги ушбу мавзу материалларини таҳлил қилишдан иборат.

2. ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ (ЯНГИ БЕТДАН)

3. Методик қисм. (ЯНГИ БЕТДАН)

3.1. Дарс режаси

1. Дарс мавзуси. «КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини кўргазмали қурооллар асосида ўқитиш»

3.2. Дарсда тугилган таълимий ва тарбиявий мақсадлар

Озуқаларни майдалаш учун машиналарни тузилиши, ишлаши ва вазифаси билан таништириш ҳамда озуқаларни майдалаш машиналарини турларини ўрганиш ва уларни назорат қилишни тушунтиришдан иборат.

Тарбиявий мақсади. КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини кўргазмали қурооллар асосида ўқитишни шакллантириш.

Ривожлантириш мақсади. Ўқувчиларни КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналарни ишлаш принципи ва унга қўйилган талаблар бўйича билимларини чуқурлаштириш ҳамда ушбу мавзунини кўргазмали қурооллар асосида ўқитишни ривожлантириш.

Дарснинг тури. Янги билимларни ўрганиш

Ажратилган вақт 6 соат.

Дарснинг ўтиш жойи. Чорвачиликни механизациялаш хонаси.

Дарснинг жиҳозланиши.

1. Плакатлар: Озуқаларни майдалаш учун машиналар.

2. Майдаловчи машина ишчи органларининг шакли

3. Озуқаларни майдалаш учун машиналарни акс эттирувчи мултимедиа дарслиги

3.3. Ўқув натижалари.

Ўқувчиларнинг ўзлаштириш сифатини баҳолашни қуйидаги усуллари ва мезонлари мавжуд: ҳолисона баҳолаш; билимни баҳолаш ишончлилиги; валидлик; оғзаки назорат; ёзма назорат; тестлар воситасида билимларни назорат қилишдир.

Ҳолисона баҳо уни ўқитаётган шахсга боғлиқ бўлмайди, у талабалар билимини давлат таълим стандартига мувофиқлигини акс эттириши керак. Бошқача қилиб айтганда, айрим бир масалани баҳолашда бир неча ўқитувчининг ягона бир натижани белгилашидир.

Ҳолисликни таъминлаш учун бир неча босқичларни ўзаро мувофиқлаштириш зарур. Баҳолашни ҳолисона амалга ошириш, маълумотларни ҳолисона қайта ишлаш, натижаларини ҳолисона талқин қилиш шулар жумласидандир.

Педагогикада «Ўлчаш» атамаси янги бўлиб, билимни баҳолашга ўлчаш деб қаралади, бунда таълим натижаси маълум бир сон билан белгиланади.

Баҳолашни, яъни ўлчашни ҳолисона ўтказиш ҳар бир талаба бир хил шароитда бир хил синовдан ўтишини талаб этади.

Маълумотларни ҳолисона қайта ишлаш деганда, барча педагоглар томонидан бир хил қўлланиладиган аниқ мезонлар назарда тутилади.

Тест натижасини компьютер воситасида қайта ишлаш ҳолисликни таъминлайди, ягона дастурий таъминот асосида амалга оширилади. Натижаларни ҳолисона талқин қилишга эришиш учун бир неча педагог қўйилган баҳо юзасидан фикр билдириши лозим. Компютер воситасидаги талқин ҳолисона бўлиб, айнан бир хил узвий алоқалар белгиланади.

Илмий педагогикада ҳолисликдан ташқари, яъни «ишончлилиқ» ва «валидлик» каби услубий меъёрлар ҳам мавжуд./10/

Билимни баҳолаш ишончлилиги-педагог ўлчовининг аниқлик даражасидир. Агар қайта синовлар натижасида айнан бир хил натижалар қайд этилса, баҳолаш усули ишончли ҳисобланади.

Оғзаки назоратни афзаллиги шундаки, ўқитувчи ва талаба орасида жонли мулоқот бўлади, талаба ўз фикрини оғзаки баён қилишни ўрганади, билимларни чуқурроқ текшириш мақсадида қўшимча саволлардан фойдаланиш мумкин. Талабанинг оғзаки жавобга тайёргарлик кўриш жараёни уни фаол ақлий фаолияти билан боғлиқ бўлади. Яхши тайёргарлик кўрган талаба ўз билимларини, ақлий қобилитини намоиш эта олади. Агар ўқитувчида талабанинг билим даражаси

борасида баъзи шубҳалар туғилса, қўшимча саволлар бериш орқали уни бартараф қилиш имкони бор. Шу билан бирга оғзаки назоратда, маълум даражада, ўқитувчи шахсияти ҳам акс этади. Хорижий тадқиқотларда таъкидланишича, «икки педагог бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда, айнан бир ўқувчини маълум бир фан соҳаси бўйича, айнан бир таълим мақсади асосида синовдан ўтказганда, баҳолар 40-60 фоиз ҳоллардагина бир хил бўлади». Айнан бир талаба билимини битта ўқитувчи юқори баҳолаеса, иккинчиси паст баҳолаган.

Шундай қилиб, оғзаки ва ёзма синов натижалари баъзан субъектив бўлади. Талаба баҳоси, одатда, фақат унинг билим даражасигагина боғлиқ эмас. Ўқитувчи ўз фаолиятида одатда гуруҳнинг ўртача ўзлаштириш даражасини инобатга олади, шунинг учун билим даражаси паст бўлган синфларда баҳо нисбатан баландроқ, билим даражаси кучли синфларда нисбатан пастроқ бўлади.

Ёзма назорат ўқув материални ўзлаштириш даражасини ҳужжатлар асосида аниқлаш имконини беради, ўқувчилар эса, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма баён қилиш тажрибасига эга бўладилар. Ёзма ишни бажариш жараёни тафаккурни юқори даражаларини ривожлантирувчи кучли омилдир. Иккита ёки учта ҳолис экспертлар ёрдамида, аниқ мезонлар маълум бўлганда, ҳолисона баҳога ниҳоятда яқин бўлган натижани аниқлаш мумкин.

Умуман олганда, билим савиясини оғзаки ва ёзма назорат қилиш етарли даражада технологик эмас, бу усуллар ўқув фаолиятидаги энг қийин ва қизиқарсиз усуллардандир.

Сўнги йилларда илмий педагогикада ҳолисона баҳолаш, оғзаки ва ёзма назорат валидлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилган. Билимларни тест воситасидла назорат қилиш бу икки назорат усулига нисбатан самаралироқдир.

Ўзбекистонда педогогик тестлар биринчи марта 1992 йилда кенг миқёсда қўлланилди, шу йили Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Фармонида мувофиқ олий ўқув юртлари абитуриентлари учун тест синовлари ўтказилди. Кейинчалик талабалар билим доирасини аниқлашнинг ҳолисона усули бўлган педагогик тест синовлари таълим тизимида давлат миқёсида қўллаб-қувватланди.

Аммо тест синовларини умуман камчиликлардан холи деб бўлмайди. Тест синовларини кўпгина шакллари талабани мустақил равишда жавобларни тайёрлаш тажрибасидан маҳрум этади. Бу синовларда талабани психологик фаолияти «эркин шаклдаги» жавобларидан фаркланади, талабанинг индивидуал томонлари, ақл заковати намоён бўлмайди. Билими синалаётган шахс фақат тўғри жавобни танлайди ҳолос.

Талабалар билимини синаш усуллари камчилиги ва афзалликларини кўриб чиқиб, шундай ҳулосага келинди. Агар тест тўғри ташкил этилса, у талабалар билимини ҳолисона баҳолаш имконини беради, чунки бу баҳо ўқитувчи шахсига боғлиқ бўлмайди. Тўғри бажарилган тест топшириқлари маълум ўлчов даражаси асосида баҳоланади. Шунинг учун ҳам тест топшириқларини аниқ ва ҳолисона педогогик баҳолаш воситаси дейишади. Аммо малакали равишда тузилган сифатли, илмий талабларга асосланган тестгина ана шундай баҳолаш имконини беради.

Ўқувчилар билимини баҳолаш учун , оғзаки савол-жавоб ва ёзма иш учун топшириқлар:

Ўқувчиларни билимини баҳолашда оғзаки сўровлар учун топшириқлар:

1. Озуқаларга қўйиладиган талабларни тушунтириб беринг?
2. Озуқа материалларни тозалаш тартибини тушунтиринг?.
3. Материалларни майдалаш назариясининг асосларини айтиб беринг?
4. Болғачали майдалагичларни тушунтиринг.
5. Дағал озуқаларга механик ишлов бериш технологиясини айтиб беринг?
6. Кесиш назариясини тушунтиринг?
7. Дағал хашакларни майдалаш машинаси тузилишини айтиб беринг?
8. Майдалашга қўйиладиган талабларни айтиб беринг?
6. Омукта озуқа тайёрлашни механизациялаш.
7. Озуқаларга иссиқлик билан ишлов бериш машиналари.
8. Озуқа цехлари.
9. Озуқаларни майдалашнинг қандай усуллари бор?
10. Озуқаларни майдаловчи ишчи органларининг технологик жараёни?

Ўқувчиларни билимини баҳолашда ёзма иш учун таянч сўз ва иборалар:

Озуқаларни майдалаш учун машиналар, майдаловчи машина, машиналарнинг турлари, озуқаларга ишлов бериш йўналишлари, дағал хашакларни тайёрлаш, силослаш, майдалаш.

3.4. Дарснинг жиҳозланиши

Ўқитиш усуллари деганда, ўқитувчи ва ўқувчининг орасида бўладиган, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга, уларни меҳнатга, ижодий ишга бўлган қизиқишини шакллантиришга қаратилган биргаликда фаолиятлари тушинилади. «Чорвачиликни механизациялаш» фани машғулотларида қўлланиладиган ўқиш услубларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин: тушинтириш, сўзлаб бериш, маъруза, суҳбат, китоб билан ишлаш, Ўрганилаётган объектларни ва кўргазмали қуролларни намойиш қилиш, кино ва диафилмларни кўрсатиш, ЭХМ да фанни электрон дарсликларидан фойдаланиш, ўқувчиларни мустақил кузатишлари, амалий ишлари ва бошқалар. Ўқувчиларни билим, кўникма ва малакаларини текширишда жорий, кузатиш, оғзаки ва ёзма текшириш, амалий топшириқларни бажаришни кузатиш асосий ҳисобланади. /11/

Ўқувчиларнинг билимларини шакллантиришни оғзаки усулини кўриб чиқамиз:

1. Ҳикоя-бунда Чорвачиликни механизациялаш йўналишида озуқаларни майдалаш машиналарининг тарихи, унинг асосчилари, Чорвачиликни механизациялашга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича чилангар уста ва ҳайдовчилар тайёрлашда фаннинг аҳамияти, илғор фермер хўжаликлари тажрибалари ҳақида сўзлаб берилади. Бунда кўргазмали қуроллар ва деталлардан фойдаланиш лозим.

2. Тушинтириш- бунда у ёки бу мавзу юзасидан назарий билимлар берилади, далиллар асосида маълумотлар ёритилади, тушинтирилади, умумлаштирилади ва хулоса қилинади.

3. Ўқув материални оғзаки ёритишга бир қатор талаблар қўйилади. Булар материал мазмунини ҳақиқатлиги, далилларни тўғрилиги, онглаш кетма-кетлиги ва системани ёритиш, ўқитувчини сўзлаш маданияти, ўқитувчини диққатини доимий раҳбарликка, янги ўқув материалларини ўқувчиларга етказишига ва ҳаётий тажрибаларига боғлиқлиги.

4. Суҳбат-ўқувчиларни фан асослари билан таништиришда, озуқаларни майдалаш учун машиналарга таъсир этувчи динамик омилини ҳисоблашни ўргатишда, янги ўқув материалларини ўргатишда ва у билан боғлашда, ўтилган материалларни такрорлашда, ўқувчилар билимини текширишда ва баҳолашда қўлланилади. Суҳбат давомида ўқитувчи ўқувчиларга савол бериб улар берган жавобларни эшитиб боради, ҳамда берилган жавоб хатоларини тўғрилайди. Маълумотларни умумлаштиради ва ўқувчилар жавобларига якун ясайди. Суҳбатни яхши ўтишига ўқитувчи томонидан тузилган саволларни сифати катта таъсир кўрсатади.

«Озуқаларни майдалаш учун машиналар» мавзусини ўқитишда ҳар бир ўқувчига якка тартибда муносабатда бўлиш тамойилларини қўллаш хусусиятлари.

Махсус техника фанлари бўйича дарсларга тайёргарлик кўришда дидактик тамойил талабларини ҳисобга олиш зарур. Ўқитувчи ўқитиш қонуниятларини билиши эмас, балки уларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиши ҳам муҳимдир. Бунга ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитишнинг асосий қоидаларига таяниш кераклигини англаган тақдирдагина эришиш мумкин. Бу қоидалар дидактикада ўқитиш тамойиллари ёки дидактик тамойиллар деб аталади. Ўқитувчи ўқувчиларга озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини ўқитишда, озуқа тайёрлашнинг технологик тизими, озуқаларга ишлов бериш йўналишлари, сомонни озиклантиришга тайёрлаш, сомонни силослаш, озуқаларни майдаловчи машина механизмларининг тузилиши, ишлаши ва вазифаси билан таништириш ҳамда меҳанизмларини жойлашиши ва уларни тузилиши, ишлаши ва унинг қисмлари ҳамда фан ва техника ютуқлари, олимлар ва етакчи муҳандисларни хизматлари ҳақида маълумотларни бериб бориш лозим. Ҳар бир ўқувчига якка тартибда муносабатда бўлиш тамойили, ўқувчиларни ҳар томонлама ўрганишини, уларга ўз вақтида ёрдам беришни, уларни ташаббускорлигини ва ижодий қобилиятини намоён бўладиган шароит яратишни талаб қилади. Дарс жиҳозларига юқори даражада эътибор бериш керак. Дарсни жиҳозлашда асосан кўргазмали қуроллар, макетлар, Чорвачиликни механизациялашнинг қисмлари ҳамда, озуқаларни майдалаш учун машиналар бўйича электрон дарслик бўлиши керак.

Кўргазмали қуролларда асосан озуқаларни майдалаш учун машиналар ва уларнинг жойлашиши берилган бўлиши керак.

3.5. Мавзуни ўрганиш учун асосий ва қўшимча адабиётлар

«Озуқаларни майдалаш учун машиналар» мавзусини дарс материали ўзбек тилида чоп этилган адабиёт мавжуд, бироқ бу адабиётда берилган материаллар алоҳида агрегатли ўрнатиш тизимининг қисмларини тузилиши ва ишлаши бўйича материаллар берилган. Шу сабабли дастурда келтирилган мавзуни мазмуни ва таркибидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги адабиётлардан фойдаланиш мумкин:

1. Н.Н. Белянчиков ва бошқалар Чорвачиликни механизациялаш // Москва. Агропромиздат. 1989 й.
2. С.В. Мелников Технологическое оборудование животноводческих ферм и комплексов Л: Агропромиздат. 1985 й.
3. В.М. Тожибоев. Чорвачиликни механизациялаштириш ва автоматлаштириш. Тошкент. Меҳнат. 2002 й
4. С.Темиров Чорвачиликни механизациялаш фанидан маърузалар матни. Наманган 2011 й.
5. С.Темиров Чорвачиликни механизациялаш фанидан // Ўқув- услубий мажмуа// Наманган 2011 й.
6. С.Темиров Чорвачиликни механизациялаш фанидан // Таълим технологияси // Наманган 2011 й.

Юқорида келтирилган адабиётларда озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг тузилиши, ишлаши ва вазифаси, озуқа тайёрлашнинг технологик тизими, озуқаларга ишлов бериш йўналишлари, сомонни озиқлантиришга тайёрлаш, сомонни силослаш, озуқаларни майдаловчи машина механизмларининг тузилиши ва ишлаши ҳамда қисмларини ўзаро жойлашиши ҳақида маълумотлар берилган. Бу адабиётдан дарс ўтиш жараёнида тўла фойдаланилса бўлади, бироқ бу адабиётда ушбу мавзуни илғор педагогик технологиялар асосида ўқитиш, таълим технологияси тизимлари ҳамда ўқитишнинг янги ўзига хос усуллари тўғрисида маълумотлар берилмаган.

Дарснинг техник таъминотида озуқаларни майдаловчи машина механизмлари қисмларининг плакати ва стендидан фойдаланилади.

Кўргазмали қурол сифатида мавзуни ёритиб берувчи слайдлардан иборат бўлган таълим технологиясидан фойдаланилади.

3.6. Мавзунинг структурали-мантиқий схемаси

Бу қисмда мавзунинг асосий тушунчалари келтирилади. Бу тушунчаларни билиб олиш учун базавий маълумотларни берувчи фанлар мавзулар билан боғлиқлиги бу тушунчаларни кейин ўқитиладиган фанлар ва мавзулар учун аҳамияти ўзаро боғлиқликда ёритилади. Мавзуда учрайдиган, озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг вазифаси ва тузилиши, уларни чизма шаклига келтиришда стандарт ва техник ўлчов асосларига риоя этилиши уларни ҳаракатланиш қонунларини ўрганади. Бу қисмлардан фойдаланиш тўғрисида кейин ўқитиладиган фанларни аҳамияти жуда катта бўлиб улар қуйидагилардир:

- дехқончилик ва чорвачилик асослари;
- қишлоқ хўжалик машиналари ва чорвачилик жиҳозлари;
- машина ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалигида механизациялаш ишлар технологияси.

Талабалар мавзуни ўрганишда биринчи босқичда чорвачиликни механизациялаштириш ва автоматлаштириш тўғрисида маълумот олсалар, иккинчи босқичда озуқаларни майдаловчи машина механизмларининг вазифаси ва ишлаши ҳақида тўла маълумот оладилар.

3.7. Дарснинг ташкил қилиш

Бу бўлимда дарснинг таркибий қисмлари уларнинг мазмун моҳияти, мақсади ва ўзаро боғлиқлиги учун вақт тақсимооти жадвали келтирилади. Янги материални ўрганиш дарсида силос йиғиштириш машиналари мавзусига оид дарс режасини наъмуна сифатида келтирамиз./13/

Дарс мавзуси : Озуқаларни майдалаш учун машиналар

Дарснинг мақсади: Ўқувчиларга озуқаларни майдаловчи машина механизмларининг тузилиши, ишлаши ва вазифасини тушунтиришдан иборат.

Дарс усули: Хикоя қилиш, тушунтириш ва техник жиҳатдан жиҳозлаш.

Озуқаларни майдаловчи машина механизмларининг рангли плакатлари, макетлари ва асосий қисмлари.

Дарснинг бориши.

1. Ташкилий қисм-3 минут: гуруҳ навбатчиси докладини қабул қилиш ва гуруҳ талабалари билан саломлашиш; дарсга қатнашмаган ўқувчиларни гуруҳ журналига қайд қилиш

2. Ўқувчилар билимларини текшириш-10 минут. Бунда ўқувчиларга қуйидаги савол ва топшириқлар бериш мумкин:

1. Озуқаларга қўйиладиган талабларни тушунтириб беринг?
2. Озуқа материалларни тозалаш тартибини тушунтиринг?.
3. Материалларни майдалаш назариясининг асосларини айтиб беринг?
4. Болғачали майдалагичларни тушунтиринг.
5. Дағал озуқаларга механик ишлов бериш технологиясини айтиб беринг?
6. Кесиш назариясини тушунтиринг?
7. Дағал хашакларни майдалаш машинаси тузилишини айтиб беринг?
8. Майдалашга қўйиладиган талабларни айтиб беринг?
9. Озуқаларни майдалашнинг қандай усуллари бор?
10. Озуқаларни майдаловчи ишчи органларининг технологик жараёни?

3. Ўқувчиларни илмий фаолиятини сабаблар, мустақил ишлаш учун дарс мавзуси ва топшириқни маълум қилиш -7 минут.

Ўқувчиларда фаол билиш фаолиятини шакллантириш ҳамда билимларини нафақат тўлиқ бўлишига, балки ўтилган мавзуларни тушинишга бўлган қизиқишини кучайтириш зарур. Бу билимларни чуқур ўзлаштириш учун шарт-шароитлар ва кейинчалик мустақил равишда билим эгаллашга имконият яратади. Ўқувчиларни билим олишга муносабатлари кўп жиҳатдан юқорида таъкидланган сабабларга боғлиқдир. Чунончи, агар ўқувчиларда таълим олишга бўлган қобилият ривожланган ва билимларни эгаллашга бўлган муносабат ижобий бўлса, улар ўқув материални пухта ўзлаштирадilar.

Ўқитувчи мавзунини маълум қилади ва кириш суҳбати ўтказади. Бунда ўқитувчи ўқувчилар ёрдамида плакат ва кўргазмали куроллар бўйича силос ўриб-йиғиштириш машиналари қандай ўрин тутди, вазифаси, тузилиши, ишлаши, конструктив хусусиятлари, ишлаш принципи, учрайдиган носозликлар ва уларни бартараф этиш усуллари ҳақида гапириб беради. Сўнгра ўқитувчи бевосита ушбу машғулот мавзусига ўтади.

4. Янги материал билан дастлабки таништириш жараёнида унинг ўқувчилар томонидан идрок этилиши ва ўзлаштириши -40 минут.

Янги материални баён қилишда ўқувчиларни фаоллаштириш учун ўқитувчи қуйидаги саволлардан фойдаланиши мумкин:

1. Озуқа материалларни тозалаш тартибини тушунтиринг?.
2. Материалларни майдалаш назариясининг асосларини айтиб беринг?
3. Болғачали майдалагичларни тушунтиринг.
4. Дағал озуқаларга механик ишлов бериш технологиясини айтиб беринг?
5. Кесиш назариясини тушунтиринг?

Суҳбат жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини таҳлил қилади.

5. Ўрганилган материални ҳамда илгари ўзлаштирилган билимларни умумлаштириш ва системалаш -10 минут.

Тушинтирилган материални мустаҳкамлаш учун ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилади:

Дарснинг ташкил қилиш режаси

Т-р	Дарсни ташкил этиш ва уларни режалаштириш	Дарс мазмуни	Ажратилган вақт, мин
1	Дарс мавзуси	Озуқаларни майдалаш учун машиналар	80
2	Дарс мақсади	Ўқувчиларга озуқаларни майдаловчи машина механизмларининг тузилиши, ишлаши ва вазифасини тушунтиришдан иборат.	
3	Дарс тури	Янги мавзунини ўрганиш	
4	Дарснинг материал техник жиҳатдан жиҳозлаш	Плакатлар: озуқаларни майдаловчи машина механизмларининг тузилиши ва умумий кўриниши, қисмлари, ишлаши, механизмлари, схемаси, умумий кўриниши ва қисмлари. Кўргазмалар қурол сифатида мавзунини ёритиб берувчи слайдлардан иборат бўлган таълим технологиясидан фойдаланилади.	
5.	Дарснинг бориши Ташкилий қисм	Гуруҳ талабалари билан саломлашиш, дарсга қатнашмаган ўқувчиларни гуруҳ журналига қайд қилиш	3
6	Ўқувчилар билимини текшириш	Ўқувчилар билимини текширишда ўқувчиларга қуйидаги савол ва топшириқлар бериш мумкин 1. Озуқаларга қўйиладиган талабларни тушунтириб беринг? 2. Озуқа материалларни тозалаш тартибини тушунтиринг? 3. Материалларни майдалаш назариясининг асосларини айтиб беринг? 4. Болғачали майдалагичларни тушунтиринг. 5. Дағал озуқаларга механик ишлов бериш технологиясини айтиб беринг?	10
7	Дарс мавзуси ва топшириқ	Ўқитувчи мавзунини маълум қилади ва кириш суҳбати ўтказди, бунда ўқитувчи ўқувчилар плакат ва кўргазмалар қуроллар ёрдамида озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг тузилиши, ишлаши ва вазифаси қисмларини жойлаштириш ҳақида гапириб беради.	7
8	Янги материал билан таништириш	Янги материални баён қилиш. Ўқувчиларни фаоллаштириш учун ўқитувчи қуйидаги саволлардан фойдаланиши мумкин. - Дағал хашакларни майдалаш машинаси тузилишини айтиб беринг? - Майдалашга қўйиладиган талабларни айтиб беринг? - Омукта озуқа тайёрлашни механизациялаш. - Озуқаларга иссиқлик билан ишлов бериш машиналари. - Озуқа цехлари. - Озуқаларни майдалашнинг қандай усуллари бор? - Озуқаларни майдаловчи ишчи органларининг технологик жараёни?	40
9	Ўқитилган материални мустаҳкамлаш	Материални мустаҳкамлаш учун қуйидаги саволларга жавоб беришни таклиф қилади: Озуқаларга қўйиладиган талабларни тушунтириб беринг, озуқа материалларни тозалаш тартибини тушунтиринг, материалларни майдалаш назариясининг асосларини айтиб беринг, болғачали майдалагичларни тушунтиринг, дағал озуқаларга механик ишлов бериш технологиясини айтиб беринг, кесиш назариясини тушунтиринг, дағал хашакларни майдалаш машинаси тузилишини айтиб беринг, майдалашга қўйиладиган талабларни айтиб	10

		беринг, омухта озуқа тайёрлашни механизациялаш, озуқаларга иссиқлик билан ишлов бериш машиналари.	
10	Дарсни яқунлаш	Дарсга яқун ясалади ва айрим талабаларнинг ушбу мавзунини ўзлаштириши бўйича билимини баҳоланади.	5
11	Уй вазифасини маълум қилиш	Уй вазифасини дарсликдан боб ва бетлари кўрсатилади ва уни бажаришни тушунтирилади.	5

3.8. Мавзунини ўқитиш методлари ва уларни таҳлили

Ҳозирги кунда бутун дунё мутахассислари анъанавий педагогикани танқид қилишда ҳамжихатдирлар. Замонавий ўқитишда ҳануз умумий тушунчалар, қоида ва қонуниятлар ўрганиладиган «билимий» ёндашув устивордир. Ўқувчиларнинг реал дунё объектлари билан ишлаши ҳажми ва мазмуни жиҳатидан жуда кам. Етакчи таълим соҳаларининг ўрганиш одатда ўқув маълумотларининг катта ҳажмини ўзлаштириш билан чекланади.

Анъанавий ўқитишнинг одатдаги тавсифи бизда ҳам хорижий педагогикада ҳам қуйидаги асосий аломатлар билан тавсифланади:

- янги материалнинг деярли ҳаммаси ўқитувчи томонидан оғзаки баён қилинади;
- дарслик асосан мустақил иш учун қўлланилади;
- аудитория машғулоти пайтида дарсликлар айрим ҳолларда педагог тушунтиришларидан ўқувчилар диққатини бузмаслик мақсадида қўлланилмайди; кўпинча дарслик уйда ҳам қўлланилмайди, унинг ўрнини дарс пайтида тузилган конспект босади;
- билимларни текшириш асосан машғулоти вақтининг сезиларли қисмини эгаллайдиган шахсий оғзаки сўровлари ҳамда узоқ муддатларда ўтказиладиган назорат ишлари ёрдамида амалга оширилади. Охири пайтларда объектив тестлар ҳам кенг тарқалди;
- машғулоти пайтида аксарият ҳолларда ишнинг фронтал усули қўлланади, мустақил ишнинг нисбий миқдори жуда кам.

Ўқитишнинг бундай тизимини жиддий камчилиги талабаларнинг машғулотидаги пассивлиги ва бундан келиб чиқадиган унинг паст самараси. Айрим ўқувчиларнинг фаоллик даражаси жуда паст.

«Чорвачиликни механизациялаштириш ва автоматлаштириш» фанида, шунингдек «Озуқаларни майдалаш учун машиналар» мавзусини кўргазмалар қуроллар асосида ўқитиш педагогнинг бошқарув фаолияти фақат билимларни қабул қилиб олишни ташкил қилиш билан чекланади ва ўқувчиларнинг олинган билимлардан фойдаланиш маҳорати ва кўникмалари доим ҳам шакллантирилмайди. Бу усулда ўқитиш ўрганилаётган фан усуллари орқали ҳақиқатни ўзлаштиришга эмас, балки фан бўйича информацияни ўзлаштиришга қаратилган. Натижада, ўқувчилар жуда катта ҳажмдаги билимларни эслашларига ва мураккаб материалларни хотира кучига асосланиб эслаб қолишларига тўғри келади. Масалан, озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг хоссалари, тавсифи, технологик тизими, озуқага ишлов бериш йўналишлари, озуқа турларининг схемасини таснифланади. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг тайёргарлигида қуйидаги камчиликлар қайд қилинади: илмий билишни ишонишдан ажрата олмаслик, билим ва ҳақиқат орасидаги муносабатларни тушунмаслик; илмий информациялар турли категориялари: далиллар, гипотезалар, қонунлар ва принциплар, моделлар, назарий хулосалар ва тажриба натижаларининг ишончлилиги даражасини ажрата олмаслик; моделлар: назарий тушунтириш, олдидан кўриш, башорат қилиш орқали фикр юритиш бўйича кўникмалар йўқлиги.

Узоқ муддатли тадқиқотлар натижасида ўқув жараёни натижасининг шаклланишини жамлаб аниқлайдиган тўртта бош омил ажратилган:

1. Ўқув материали;
2. Ташкилий-педагогик таъсир;
3. Ўқувчиларнинг ўқишга мойиллиги
4. Вақт.

Маълум бир материални касб-ҳунар коллежларида ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражасини юқори бўлиши, жумладан «Чорвачиликни механизациялаштириш» фанидан «Озуқаларни майдалаш учун машиналар» мавзусини кўргазмалар қуроллар асосида ўқитиш мавзусини мавжуд ўқув материалларининг сифатига эмас ўқувчиларнинг ўқишга мойиллигига нисбатан кўпроқ боғлиқ экан.

Таълимнинг мазмуни ва жараёни бўйича малакали мутахассислар гуруҳи ишончли ўқитиш тизимини технологик ёндашувлар асосида лойиҳалаштирилган ва тайёрланган тақдирда ўрта миёна педагог ҳам юқори натижаларга эришиши мумкин.

Технологик ёндашувда ўқув ашёлари аниқ қайд этилган ўқув мақсадига мос ҳолда ишлаб чиқилган, махсус қисмларга (модулларга) ажратилган, ўқув мавзуларини тавсия этишнинг муқобил йўллари кўзда тулади. Ҳар бир қисми тест ва қўшимча тузатишлар киритиш билан ҳамоҳанг бўлади. Ўқув ишлари юқори натижаларга эришишга қаратилган. Бундай йўналтирилганлик машғул бўлиш, мусобакаланиши ва ўзаро ёрдамлашиш тушунчаларидан ҳоли эмас. Шунинг билан у бутун таълим жараёнига репродуктив кўриниш беради. Шунинг учун ҳам у энг зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўргатишда кўпроқ самара беради.

Ҳозирги пайтда ўқитишнинг янги технологияларининг самарадорлигини баҳоловчи тўрт хил мезонлар ишлаб чиқилган. Биринчи - концептуал ва янгилик мезони: таълим технологияси асосида концептуал ва янги психологик, педагогик ва дидактик ғоя қўйилиши керак. Иккинчиси - яхлитлик ва табақалашганлик мезонлари, унда ўқитиш технологияси мақсад, восита, услуб, ташкилий шарт-шароитлар мажмуаси кўринишида яхлит таълим фаолияти ва амалга оширилиши муайян таълим тизимида таъминланиши зарур.

Учинчи мезони аввалдан белгиланган мақсадларга эришишни такрорланиши ва кафолатланиши билан боғлиқ.

Бунда баъзи бошланғич шартларни ўзгаришини (ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, педагогик маҳорат ва бошқаларни) инобатга олган ҳолда ўқитиш жараёнини қайта такрорлаш ва кўзланган мақсадни эгаллаш мумкин.

Нихоят ўқитишнинг самарадорлик ва сифати мезони, бунда такрорланувчан ўқув жараёни натижасида аниқ кўзланган ва белгиланган сифат ва самара даражасидан паст натижа олинади.

Юқорида келтирилган ёндашувлар асосида озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини ўқитишда кўргазмали куроллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Нихоят ўқитишнинг самарадорлик ва сифати мезони, бунда такрорланувчан ўқув жараёни натижасида аниқ кўзланган ва белгиланган сифат ва самара даражасидан паст натижа олинади.

Келтирилган педагогик технологиянинг чекланмаган имкониятларини исботлайди. Ўзбекистон педагогларининг хорижий тажрибалар билан танишуви эгалланган анъана ва маданий таълим даражасини ривожлантирилган янги ёндашувларини ўзлаштиришга туртки бўлади.

Янги педагогик технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Концептуал ва янгилик мезони	Яхлитлик ва табақалашганлик мезонлари	Аввалдан белгиланган мақсадларга эришишни такрорланиши ва кафолатланиши	Ўқитишнинг самарадорлик ва сифати мезони
Таълим техно- логияси асо-сид концеп-туал ва янги психологик педагогик ва дидактик ғоя қўйилиши керак	Ўқитиш техно- логияси мақсад, во- сита , услуб, таш- килий шарт-ша- роитлар мажмуа-си кўринишида яхлит таълим фаолияти ва амалга оширили-ши муайян таъ-лим tizимида таъминланиши зару	Баъзи бошланғич шартларни ўзга- ришини (ўқувчи- ларнинг тайёр-гарли даражаси, педагогик маҳорат ва бошқаларни) инобатга олган ҳолда ўқитиш жараёнини қайта такрорлаш ва кўз-ланган мақсадни эгаллаш мумкин	Такрорланувчан ўқув жараён натижасида ани кўзланган в белгиланган сифа ва самар даражасидан пас натижа олинади

3.1-расм. Янги педагогик технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари.

Янги педагогик технологиялар самарадорлигини баҳолаш мезонлари асосида таълимга анъанавий ва технологик ёндашувлар орасидаги фарқланишларни умумлаштириш мумкин

3.1-жадвал.

. Машғулот ўтказишга ёндошув вариантлари

Анъанавий ёндошув	Технологик ёндошув
1. Педагогнинг машғулоти ўтказиш режасини ишлаб чиқишга бўлган муносабати	
қоидага кўра «мажбурман», «зарур» таълим олишга асосланган расмийлик	«хоҳлайман», «Уддалайман» таълим олишга асосланган ижодийлик
2. Педагогнинг машғулоти режасини ишлаб чиқишдаги фаолияти	
қоидага кўра эътибор ўтказиб берилган ўқув материалларини тизимлаш ва таркибий қисмларга ажратишга қаратилган	қоидага кўра эътибор навбатдаги машғулотида ўқув фаолиятини ва талаба моделини тасаввуридан ажратишга қаратилган
3. Педагогнинг машғулоти режасини ишлаб чиқишдаги устувор психологик фаолияти	
Ўқув материалларини таҳлил қилиш шва асосий ўқув саволларини аниқлаш, машғулоти режасини тузиш	Навбатдаги машғулотида ўз тафаккурини тасаввур этиш ва талаба ўрнида фикрлаш, ўқиб жараёнини ривожланиш йўналишини олдиндан кўра билиш ва ўқибдан кўзланган эҳтимолли натижаларни олдиндан тасаввур этиш
4. Дарс режаси нимани асос этиради	
Талабаларга бериладиган ахборотни	Педагог ва талабаларнинг дарс жараёнидаги сценарияси
5. Машғулоти мақсадларини ифодаланиши	
-педагог бериладиган ахборот; - мақсад аниқ белгиланмаган, масалан ривожлантириш ва тушинтириш	-талабаларнинг машғулоти охиридаги фаолияти Аниқ белгиланади; -машғулоти мақсади унинг охирида талаба хатти харакатини аниқ белгилловчи феълларда ифодаланади масалан, санайди, танлайди, ҳисоблайди, қўллади
6. Педагог томонидан ўргатувчи усулларнинг танланиши	
қоидага кўра олдин шаклланиб қолган одатлар бўйича харакат қилади	Янги, ўргатувчи усулларнинг жуда кўп турлари эркин фикрлаш имконияти
7. Талабани ўқитиш	
Бу ўқитувчининг вазифаси	Бу, энг аввало талабанинг вазифаси
8. Талабаларнинг ўқув мақсадларига бўлган ижобий муносабати	
Вужудга келмаслиги ҳам мумкин	Аста-секин шаклланади, бу ўқитувчининг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади
9. Дарс беришдан мўлжал	
Талабаларнинг ўқитувчи берган ахборотларни эслаб қолиши	Талабаларда аниқ хатти харакатни бажариш масаласини ривожлантириш
10. Ўқитувчи томонидан талабани йўналтириб бориш	
Далиллар, қоидалар, таълим олиш ва қонунларни эслаб қолишнинг муҳимлиги ва тўпланган тажрибаларни ўзлаштириш таъкидланади	Ўқиб ўрганиш, ижодий фикрлаш, зарур ахборотни топиш шва баҳолаб қарор қабул қилиш масалаларини шакллантириш мумкинлиги таъкидланади
11. Машғулотидаги фаоллик	
Ўқитувчи фаол шахс, талаба эса одатдаги сусти ва бошқариш объекти бўлиб ҳисобланади	Ўқитувчи ҳам, талаба ҳам фаол иштирокчи бўлиб ҳисобланадилар, фаолият субъект-субъект таснифига эга бўлади, яхлит педагогик вазият бошқарув объекти бўлиб ҳисобланади
12. Талабалар фаолиятини турлари	
Одатдагидек, такрорланувчан, ижодий эмас	Такрорланувчан, репродуктив, самарали, ижодий фикрлашни ривожлантириш
13. Талабанинг ақл заковатига оид ихчам тафаккурини шакллантириш	
Кўп ҳолатларда сақиб қотиб қолган	Тафаккурнинг вариантлиги, бир фикрлаш турида

	иккинчисига ўтишнинг осонлиги
14. Талабалр билан қайтувчан алоқани ўрнатилиши	
Онда-сонда, баъзанёки ўрнатилмайди	Тизимни бошқарувчан тизимига эга
15. Ҳиссий кўтаринкилик, ўқитувчининг кайфияти	
Баъзан сезгилар такрорланади, ҳар доим ҳам ўқитишга қизиқмайди, бунинг оқибатиди асабийлик, талабаларда ҳушмуомалаликни етишмаслиги келиб чиқади	Кўтаринки рух, талабаларга ҳушмуомала бўлиш ўзини рўёбга чиқаришдан мамнун ҳосил қилиш
16. Технологик характери	
Эскирган, қўл меҳнати, талаб, қўйиладиган самарасиз	Янги педагог талаба фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган
17. Ўқитишнинг асосий натижалари	
Фаолият намуналарини ўзлаштириш ва аълум далиллардан бўлган ўқув материалларини хотирада сақлаш	Ахборотни излаб топиш фаолият намуналарида мустақил ўзлаштиришга тайёргарлик, шунингдек ўзлаштирилган материаллар доирасидан четга чиқиш

Юқорида келтирилган ёндашувлар асосида «Озуқаларни майдалаш учун машиналар» мавзусини ўқитишда кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3.9. Кўргазмали ва дидактик материаллар

Ўқув материални ўқувчиларга тушинтириш жараёнида ўқитувчилар дидактиканинг энг муҳим принципларидан бири кўргазмали ўқитиш принципини кенг миқёсда қўллайдилар. Кўргазмали ўқитиш принципи муайян ва мавҳум тушунчаларнинг муштараклиги тўғрисидаги қоида нуқтаи назаридан ўрганилади.

Кўргазмали ўқитиш принципи ўқитувчини турли хил кўргазмали ўқув қуроларидан фойдаланишида ўз ифодасини топади.

“Чорвачиликни механизациялаштириш ва автоматлаштириш” табиий ва тасвирий турларга бўлинади. Табиий кўргазмали қуроллар сифатида озуқаларни майдаловчи машина механизмларини тасвирловчи схемалардан фойдаланилади. Ушбу турга махсус тайёрланган моделлар, макетлар, лавҳалар ва стендларни қўшса ҳам бўлади. Табиий кўргазмали қуролларни афзалликлари жуда кўп. Бироқ ушбу кўргазмали қуроллар воситасида ҳамма нарсаларни тўлиқ кўрсатиш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди. Шунинг учун бу камчиликни тасвирий кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда бартараф этиш мумкин.

Тасвирий кўргазмали қуроллар деталларни асл нусхаси жуда катта ёки кичик бўлганда; нарса ёки ҳодисаларни асл кўринишини бевосита кузатиб бўлмаганда озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг электрон бошқариш характеристикаси, допуск ва посадкалар, электр схемалари, электрон бошқариш механизмнинг ҳар бир нукталари каби тушунчаларни график тарзда ифодалаш талаб этилганда ва бошқа кўплаб ҳолларда ишлатилади.

Тасвирий кўргазмали қуроллар ясси ва ҳажмий турларга бўлинади.

Ясси турдаги тасвирий кўргазмали қуролларга деталлар ёки яхлит машинанинг, схема, жадвал, фототранспортларни тасвирлари туширилган плакатлар, синф доскасидаги ёки кодоскоп плёнкасидаги тасвирлар киради.

Ҳажмий турдаги тасвирий кўргазмали қуролларга одатда, асл нусхага нисбатан катталаштирилган ёки кичиклаштирилган ўлчамдаги модел ва макетлар киради.

Синф доскасида чизилган тасвирлар, кўргазмали воситалар орасида катта ўринни эгаллайди. Синф доскасидан тўғри фойдаланиш ўқувчиларга фактларни, ҳодисаларни, диаграммаларни, схемаларни, расмларни, динамик омилни циклар кетма-кетлиги динамикасидаги жараённи ва ҳоказо тўғри тушинишда ва эслаб қолишда ёрдам беради. Янги материални ўрганишда мавзунини ва махсус терминларни доскага ёзиш лозим.

Айрим терминларни ёки расм қисмини ажратиб кўрсатиш учун рангли бўрлардан фойдаланиш керак. Доскага мураккаб бўлмаган расмларни чизиш керак, агарда мураккаб расм тасвирлаш зарурати туғилса уни олдиндан тайёрлаб қўйиш керак. Доскада пала-партиш ёзув ва расмлар бўлмаслиги лозим. Кўргазмали ўқитишдан моҳирона фойдаланиш ўқитиш сифатини оширибгина қолмай, балки ўқув вақтидан янада оқилона фойдаланишга имкон беради.\

3.10. Озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини кўргазмали қуроллар асосида ўқитиш методикаси.

Бугунги кунда таълим жараёнида фойдаланилаётган педагогик технология ва янги ўқитиш усуллари ўқувчиларда фанга бўлган қизиқиш ривожлантирибгина қолмай, ўқувчиларнинг фанни ташкил этувчи ҳар бир мавзуларни мукаммал ўзлаштиришларини таъминлайди. Бу эса ушбу мавзуларга хос бўлган янги педагогик технология усуллари қўллаш ва уларни таҳлил этиш муаммосини юзага келтиради.


Педагогик амалиётда янги йўл ва воситаларини жадал татбиқ этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ баъзи таълим шакл ва фаол усуллар ўрнига бўлинмас таълимий технологиялар зарур. Лекин таълимий жараёни технологияли лойиҳалаштириш ва режалаштиришни, фақат технологик билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчи бажара олиши мумкин /14/.

Технологик билимлар тизими қуйидаги ташкил этувчилардан иборат:

- **тушунчага оид қисм** - технологиялаштиришнинг мураккаброқ бўлган тоифа ва қоидаларини ўрганишга йўл;
- **таълим технологиясининг таркибий қисм ва ҳаракатланувчи тузилма** - таълим жараёнини башоратлаш ва лойиҳалаштириш асоси тўғрисида тушунча;
- **таълимий технологияларнинг концептуал асослари** - ҳар қандай таълим технологияси негизига педагогик ва психологик фанлар ютуғида ифодаланган педагогик ғоя асос бўлади;
- **мақсадни белгилаш** - агар педагогик вазифалар аниқланган бўлса ва ўқув фаолиятининг якуний натижалари бир маънода ифодаланган бўлса, бошланиш шартлари маълум бўлса, таълим жараёнини лойиҳалаштириш мумкин;
- **таълим бериш модели** – мақбул йўллар (усул ва шакллар) ва воситалар йиғиндиси - мавжуд шароитлар ва белгиланган вақтда объектнинг бошланғич ҳолатини ўзгартириш бўйича кўзланаётган натижаларга эришиш кафолати;
- **бошқарувнинг йўл ва воситалар йиғиндиси:** башоратлаш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва баҳолаш, шунингдек тезкор ўзгартириш тўғрисида бошқарув ҳулосасини қабул қилиш мақсадида таълим жараёнини узлуксиз ва мунтазам кузатиш - мониторинг.

КХК лари талабаларини касб – ҳунарга йўналтириш ва уларни касбий билимларини тўла ўзлаштиришлари учун ўтилаётган мавзуларни ўзига хос бўлган педагогик технологиялар асосида ташкил этиш орқали ўқувчиларда соҳа йўналишини асосий таянч билимларини мукаммал эгаллашлари ва амалиётга қўллаш учун имконият яратилади.

Қуйида келтирилган -расмларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини кўргазмали қуроллар ёрдамида тушунтириш ва унинг асосий тушунчаларини ўқувчиларга етказиш учун “Озуқаларни майдалаш учун машиналар” нинг схемаси ва ҳар қисмга алоҳида тушунтириш берилган кўргазмали қурол келтирилган.



-рasm.

акс этирувчи кўргазмали қуролнинг кўриниши

Келтирилган кўргазмали қуролда озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг асосий қисмлари келтирилган. Ўқувчиларга ушбу кўргазмали қурол орқали мавзунини ташкил этувчи янги тушунчаларни тушунтириш ва етказиш қулай ва осонлашади.

- расмда келтирилган кўргазмали қуроллардан фойдаланиб, ўқувчиларга “Озуқаларни майдалаш учун машиналар” мавзусини тушунтириш ва уларни фанга бўлган қизиқишларини янада ривожлантириш мумкин. Ўқувчилар кўргазмали қуроллар орқали янги мавзунини асосий ва таянч тушунчаларини ёдда сақлайдилар. Ҳамда мавжуд билимлари мустаҳкамланади.

4. Двигателларни таъмирлаш устахонасида меҳнатни муҳофаза қилиш. (Янги бетдан)

Чорвачиликни механизациялаштириш ва автоматлаштириш фанидан дарс ўтишда двигателларни таъмирлаш даврида келиб чиқиши мумкин бўладиган жароҳатланишларни олдини олиш мақсадида унга доир хавфсизлик техникаси қоидаларини ўрганиш талаб этилади. Чукки автомобиллар ёки унинг қисмларини таъмирлаш даврида келиб чиқиши мумкин бўлган турли жароҳатланишлар ва уларнинг олдини олиш қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси хавфсизлик техникаси қоидаларида акс этади.

Чорвачиликни механизациялаш ни таъмирлаш меъёрида ишлашини таъминлаш мақсадида уларни диагностик таҳлиллар асосида иш юритилади. Шунга биноан юриш қисмида камчиликлар сезилса, уларни таъмирлаш ишлари бажарилади. Санитария-маиший бинолар куриш, якка тартибдаги химоя воситаларидан фойдаланиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда касбий касалланишларни ҳамда захарланишларнинг олдини олиш, меҳнаткашлар соғлиғини сақлаш масалаларини ҳал этади, шунингдек меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ишлаб чиқариш эстетикаси билан боғлиқ бўлган гигиена тадбирларини ишлаб чиқади.

Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитариясининг ҳамма талаблари бажарилишини назорат қилиш Республикамиз соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли санитария эпидемияга қарши хизматлари ташкилотлари ҳамда муассалари зиммасига юклатилган. Улар транспорт корхоналарини лойиҳалаш, куриш ёки реконструкция қилиш ёки техник қайта жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш босқичида санитария назоратини амалга оширади.

Корхоналарида ишлаётган ишчилар ва ходимлар яхши ишлари учун аввало уни қуршаб турган муҳитни муайян шароити зарур бўлади. Меҳнат фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш муҳити инсон организмга маълум даражада таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш муҳитининг метрологик шароити ҳавонинг ҳарорати, намлиги, тезлиги билан, табиий ёруғлик манбаи билан, ишлов берилаётган деталлар ва буюмлардан, ускуналарнинг қизиган сиртларидан иссиқлик тарқалиши билан белгиланади. Улар муайян технологик бўлинма учунгина хос бўлиб, ишлаб чиқариш хонасини микроклими деб юритилади. Ишлаб чиқариш устахонасининг микроклимининг ҳосил қилишда у бажараётган жисмоний меҳнат тоифаси ҳисобга олиниши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб битирув малака ишида берилган топшириқ бўйича агрегатларни таъмирлаш устахонасида меҳнатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиб чиқамиз. Двигателларни таъмирлаш устахонасида бажарилаётган иш ўртача жисмоний меҳнат синфига киради ва хонанинг метрологик кўрсаткичи қўйидагича бўлиши керак: хона ҳарорати 20...25 градус атрофида, ҳавонинг нисбий намлиги 35...60 фоиз атрофида ва ҳаво оқимининг тезлиги 2...3 м/дақиқа бўлиши лозим.

Хонани ёритилиши ишчиларни меҳнат фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Хоналарни табиий, сунъий ва аралаш усулларда ёритиш мумкин. Сунъий ёритишда хонада ёруғлик манбаи бўлиб лампочкалар хизмат қилади, шунинг учун хонани сунъий ёритилганлигини таъминлаш лозим бўлган лампалар сонини аниқлаймиз керак.

Демак, хонани ёритиш учун дераза майдони 16,2 м² бўлиши лозим экан. Бундан келиб чиқиб биз таҳлил қилаётган агрегатлар устахонасидаги деразани ёруғлик ўтадиган сирти 16,2 м² ни ташкил этади, бу хонани табиий ёритилишини тўла таъминлайди.

Корхонасида инсон организмга ишлаб чиқаришни ҳархил зарарли омиллари таъсир кўрсатади. Зарарли омиллар физик, кимёвий, биологик ва психофизиологик бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси инсон организмга бевосита технологик жараёнлар, меҳнат тартиботлари ҳамда атроф-муҳит орқали таъсир қилади. Барча зарарли омиллар ишчилар организмнинг ташқи таъсирларига қаршилик кўрстаишлишини сусайтиради, меҳнат қобилиятини камайиши ёки бутунлай йўқолишига олиб келади.

Меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси ишловчиларга зарарли омилларни йўқотувчи ёки камайтирувчи ташкилий ҳамда санитария техник тадбирлар ва воситалар мажмуидир. Агар ишлаб чиқариш омилларининг таъсири муайян шароитда ишчиларнинг касалланиши ва меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келса, улар ҳисобланади.

Кўнгилсиз ҳодисалар ва касбий касалланишлар ишчиларнинг соғлиғига зарар етказибгина қолмасдан, балки иқтисодий зиён ҳам етказилади: швақтини йўқотилишига, жиҳозларни ва асбоб-ускуналарни тўхтаб қолишига, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайишига, шунингдек ижтимоий суғурта ва зарарлар ўрнини қоплашлар бўйича тўловлар кўринишидаги бевосита харажатларга олиб келади. Бу зарарларни республика миқёсида ҳисоблайдиган бўлсак, ҳар йилига бир неча миллиард сўмни ташкил қилади.

Меҳнат гигиенаси ишчилар организмга меҳнат жараёнини атрофдаги ишлаб чиқариш муҳитининг таъсирини ўрганади ҳамда меҳнатнинг санитария-гигиена шароитини яхшилашга

доир тавсияномаларни ишлаб чиқади. Бу тавсияномалар ишловчилар соғлигини сақлаш ва яхшилаш ҳақидаги фан бўлса, санитария амалга оширишга ёрдам берадиган амалий фаолиятдир.

Ишлаб чиқариш санитарияси корхоналар, ишлаб чиқариш бинолари ва хоналарнинг ҳудудини санитария жиҳатидан ободонлаштириш, санитария техникаси ускуналарини ўрнатишдир.

Двигателларни таъмирлаш устахонасида тортувчи шамоллатиш қурилмаси пайвандлаш столи ва деталларга ишлов бериш дастгоҳлари устида тортувчи зонт ўрнатилган бўлиши керак. Двигателларни таъмирлашда ҳар хил стендлар, дастгоҳлар ишлатилади.

Двигателларни таъмирлашда қисмларга қўл кучи билан ажратганда биринчидан ишчилар кўп куч сарфлашади, иккинчидан катта деталлар носоз ҳолатга келиши мумкин.

Шунинг учун озуқаларни майдаловчи машина механизмларини қисмларга ажратишда мос стендлардан фойдаланилади, бу стендлардан фойдаланилганда электр узатмалари, электродвигател ва бошқа электр жиҳозлари соз бўлиши лозим.

5. Малакавий ишнинг самарадорлиги.

Ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбияла таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Унинг учун талабалар шахси ривожланишига уларни ўқув жараёнидаги фаоллигини оширувчи усулларни қўллаш натижасида таълим самарадорлигини оширишга имкон туғилади.

Битирув малакавий ишида замонавий ўқув қуроллари, жиҳозлар, ўқитишнинг техник воситалари адабиётлар билан таъминланиши, ўқитиш жараёнини ташкил этишни замонавий услубларини ишлаб чиқиш ва педагогик технологиялари натижасида талабалар билимини оширишда қуйидаги самарадорликка эришилади:

- талабаларнинг ўқув материални мустақил ўзлаштиришга бўлган иштиёқи ошади;
- талабаларда бир топшириқ (муаммо) ни ҳал қилиш учун унга атрофлича ёндашиш малакаси шаклланади;
- талабаларда бир топшириқ (муаммо) ни ечимини бир неча вариантини ўйлаб топиш ва уларнинг ичидан энг тўғриси танилаб олиш қобилияти шаклланади;
- талабаларда ҳамкорликда ишлаш муомала маданияти таркиб топади;
- талабалар шахси ривожланади, уларда мустақил ижодий фикрлаш интилиш ҳиссиёти вужудга келади, жамиятнинг фаол фуқаросига айланади.

Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида

КХК да

Қишлоқ хўжалик машиналарифанидан КХК ларда “Озуқаларни майдалаш учун машиналар” мавзусини кўргазмали қуроллар асосида ўқитиш бўйича ўтказилган машғулотда замонавий педагогик технология самарадорлиги қуйидагича аниқланди. Бунда шу йўналиш бўйича ўқиётган 2 та гуруҳ талабаларининг машғулотнинг аниқлаштирилган ўқув мақсадларига эришганликлари асосий мезон қилиб олинди.

Талабаларни ўқув мақсадларига эришилганлик даражаси - жадвалда келтирилган.

- жадвал

КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини кўргазмали қуроллар асосида ўқитишда ўқув мақсадларига эришилганлик кўрсаткичлари.

Т/Р	Машғулотнинг ўқув мақсадлари	Талабаларни ўқув мақсадларига эришилганлик кўрсаткичи (%)	
		Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
1	Озуқаларга қўйиладиган талабларни тушунтириб беринг?	88	79
2	Озуқа материалларни тозалаш тартибини тушунтиринг?.	91	83
3	Материалларни майдалаш назариясининг асосларини айтиб беринг?	90	90

4	Болғачали майдалагичларни тушунтиринг.	89	82
5	Дағал озуқаларга механик ишлов бериш технологиясини айтиб беринг?	91	80
6	Кесиш назариясини тушунтиринг?	88	80
7	Дағал хашакларни майдалаш машинаси тузилишини айтиб беринг?	92	78
8	Майдалашга қўйиладиган талабларни айтиб беринг?	88	79
	Ўртача ўзлаштириш	89	81

Бу жадвалдан кўриниб турибдики икки хил ўқатш услубида ўқув мақсадларига эришиш кўрсаткичлари ҳам турлича натижага эга бўлади.

Замонавий илғор педагогик технология усулида ўқитилганда 89% мавжуд анъанавий усулда ўқитилганда 81% ни ташкил этди. Шунини таъкидлаш лозимки фикрлаш талаб қиладиган ўқув мақсадларини ўзлаштиришда янги услубда ўқитилган гуруҳда юқори натижаларга эришилди.

Замонавий илғор педагогик технологияни самарадорлигини 1 та машғулот мисолида кўриб чиқиб шунини хулоса қилиш мумкинки бу усулларни ўзлаштириш ва дарс жараёнида қўллаш ҳар бир ўқитувчининг энг муҳим вазифасига айланиши керак.

Хулоса

Янги бетдан

Ўзбекистон Республикаси президенти И. Каримов айтганларидек “Ўзимизда юқори малакали мутахассислар бўлмаса” Ўзбекистон келажagini тасаввур этиб бўлмайди беб бир неча бор таъкидлаган эдилар.

Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ўқув- юртларини замонавий ўқув куроллари, жиҳозлар, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар билан таъминлаш билан бирга ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиб, ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун битирув малакавий иши мавзуси “КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини кўргазмали куроллар асосида ўқитиш” долзарб масаладир.

“Озуқаларни майдалаш учун машиналар ” мавзуси кишлоқ хўжалик машиналарини ишлатиш ва таъмирлаш касбига ўқитишда муҳим босқичлардан ҳисобланади.

Шунинг учун ушбу мавзу битирув малакавий ишини бажаришда дастлабки маълумотларни КХК дан олинганлиги ва улар асосида ишлаб чиқилганлиги мавзунини долзарблигидан далолат бериб турибди.

Технологик қисмда: озуқаларни майдалаш учун машиналарнинг хоссалари, озуқа тайёрлашнинг ўзига хослиги, озуқаларни майдаловчи машина механизмларининг тузилиши, схемалари келтирилган.

Методик қисмда фан ва мавзунинг тавсифи, фанлараро боғланишлар, мавзунинг услубий ва техник таъминоти, дарс материали ҳамда анъанавий дарс ўқишнинг қисқача баёни ва уларни замонавий усуллар билан қиёслаш, дарс режаси, дарс мақсадлари, ўқув натижалари, дарснинг жиҳозланиши, дарсни ташкил қилиш, мавзунинг ўқитиш методлари ва уларни таҳлили, кўргазмали ва дидактик материаллари ҳамда “Озуқаларни майдалаш учун машиналар” мавзусини ўқитишда кўргазмали куроллардан фойдаланиш ҳақида маълумотлар берилган.

Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги бўйича Чорвачиликни механизациялаш , озуқаларни майдалаш учун машиналардан фойдаланиш жараёнида ҳавфсизликни таъминлаш чора тадбирлари ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишини бажариш орқали мен институтда ўқиш даврида олган билимларимни яна бир бор жиддий синовдан ўтказдим.

Мен ўқув жараёнини ташкил этишга амалий ёндашиш натижасида КХК ларда озуқаларни майдалаш учун машиналар мавзусини кўргазмали куроллар асосида ўқитиш масаласини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдим, ва таълим тизимида ечимини топиши лозим бўлган масалалар кўп эканлигини тушуниб етдим.

Бажарган битирув малакавий ишим бўйича шунини хулоса қилиш мумкинки ишни бажариш давомида назарий олган билимларимни мустаҳкамлаб мустақил равишда қўйилган муаммони

ечимини топишга адабиётлардан фойдаланиш ҳамда ДАСТ ва КХЯТ талаблари асосида техник чизмаларни чизиш кўникмаларини эгалладим.

Келажакда меҳнат фаолиятимда ушбу олган билимларимни ёш авлодни тарбиялашда ва етук мутахассис сифатида тайёрлашда юқоридаги олган билимларимдан фойдаланаман деб ишонаман.

Янги бетдан) Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

11. Таълим тўғрисидаги қонун. Тошкент, 1997 й.
12. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент, 1997 й.
13. И.А.Каримов «Баркамол авлод орзуси». Тошкент, й.
14. Буюк ва муқаддасан мустақил ватан // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси 2011 й 8 апрел
15. Ғ. Дадамирзаев ва П.Ж.Маткаримов. Бакалаврлар учун битирув малака ишини бажариш учун услубий кўрсатма. НамМПИ, 1999 й
16. Н.Н. Белянчиков ва бошқалар Чорвачиликни механизациялаш // Москва. Агропромиздат.1989й.
17. С.В.Мелников Технологическое оборудование животноводческих ферм и комплексов Л: Агропромиздат. 1985 й.
18. В.М. Тожибоев. Чорвачиликни механизациялаштириш ва автоматлаштириш.Тошкент.Меҳнат. 2002 й
19. С.Темиров Чорвачиликни механизациялаш фанидан маърузалар матни. Наманган 2011 й.
20. С.Темиров Чорвачиликни механизациялаш фанидан //Ўқув- услубий мажмуа// Наманган 2011 й.
21. С.Темиров Чорвачиликни механизациялаш фанидан // Таълим технологияси //Наманган 2011 й.
22. Н. Азизхўжаева Педагогик технология ва педагогик маҳорат Тошкент 2003 й
23. К. Ж. Мирсаидов Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими Тошкент. Ўқитувчи 1996 й
24. А.И.Салов. Охрана труда на предприятиях автомобильного транспорта. Учебник для студентов автомобильных ВУЗов. М.: Транспорт, 1983 г
25. С.С.Сайидаминов и др. Инженерно-технологическое мероприятие по охране окружающей среды. Т.: Ўқитувчи, 1994г
26. Интернет маълумотлари